

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ПСИХОМЕТРИКА: ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТ ВА ДИАГНОСТИК УСУЛЛАР

*Тошкент Амалий Фанлар Университети Педагогика факультети
Психология йўналиши 1- боскич талабаси*

Хикматова Мадина Исматиллаевна

Акбаралиева Асилахон Тажиддиновна

Тошкент амалий фанлар университети “Психология” кафедраси ўқитувчиси

*Тошкент Амалий Фанлар Университети Педагогика факультети
Педагогика ва Психология йўналиши 3- боскич талабаси*
Мансурова Муножат Исматиллаевна

Аннотация: Ушбу мақолада дифференциал психометрия атамаси шунингдек фанга киритилиши, бу соҳасида экспериментал тадқиқот ва диагностик усуллар кўриб чиқилади. Психометрик масаласини, хамда психик хусусиятларни ўлчашда индивидуал фарқларни аниқлаш, учун замонавий усуллар таҳлил қилинади ва уларнинг аҳамияти ёритилади. Шу билан бирга, амалиётда қўллаш имкониятлари ва келгусидаги ривожланиш йўналишлари ҳақида ҳам фикр юритилади.

Калит сўзи: Дифференциал психометрика, Эксперимент, эмпирик, ўлчўвлар, психодиагностика, функционал боғланиш, объектив тажриба, эксперт усуллар, валидлик, таҳлил, индивидуал ташхис стандартлаштириш.

Аннотация: В данной статье рассматривается понятие дифференциальной психометрики, история его введения в науку, а также экспериментальные исследования и диагностические методы в этой области. Анализируются психометрические задачи, современные методы выявления индивидуальных различий в измерении психических характеристик и их значение. Также

обсуждаются практические возможности применения и перспективы дальнейшего развития.

Ключевые слова: дифференциальная психометрика, эксперимент, эмпирика, измерения, психодиагностика, функциональная взаимосвязь, объективный опыт, экспертные методы, валидность, анализ, индивидуальная диагностика, стандартизация.

Abstract: This article explores the concept of differential psychometrics, its introduction into science, as well as experimental research and diagnostic methods in this field. Psychometric problems and modern methods for identifying individual differences in the measurement of mental characteristics are analyzed, along with their significance. Practical applications and future development directions are also discussed.

Keywords: differential psychometrics, experiment, empirical, measurements, psychodiagnostics, functional relationship, objective experience, expert methods, validity, analysis, individual diagnosis, standardization.

Кириш: Психометрика масалалари 1734 йилда ilk бор Христиан Фолф (1679-1754) психологияда ўлчаш имконияти хақида сўз юритган. У психологияни эмперикага ажратди, у рухни танага алоқадорлиги ва у билан шугилланадиган оқилона йўналиш эканини кўрсатди.(1.38б) Экспериментал психология реакция, ватқ, инсон психологи ва ақлий жараёнларни вактли хусусиятларини ўлчаш ва баҳолаш соҳаси бўлиб, унинг муҳим йўналишларидан бири — дифференциал психометрика ҳисобланади. У инсонлар ўртасидаги фарқларни аниқ ва аниқланган методлар орқали тадқиқ этишга йўналтирилган. Шу мақсадда турли экспериментал ва диагностик усуслар ишлаб чиқилган ва амалиётда кўлланиб келинмоқда.

Дифференциал психометrikani fann sifatida pайдо бўлиши va тушунилиши

Дифференциал психометрика — бу дифференциал психология ва психометрика соҳаларининг кесишган нуқтасида вужудга келган илмий йўналиш бўлиб, унинг асосий вазифаси инсонлар ўртасидаги индивидуал психологик

фарқларни аниқ ва меъёрий равища да баҳолашдан иборатdir. Мазкур фан шахсларнинг қобилиятлари, индивидуал хусусиятлари ва психологик ҳолатлари (интеллект, темперамент, шахсий сифатлар ва бошқалар) ўртасидаги фарқларни ўлчашни мақсад қилади. Психометрика психодиагностика ва дифференциал психологияга нисбатан технологик-методик фан сифатида шаклланган бўлиб, у аниқ ўлчаш воситалари — тестлар, шкалалар, саволномалар ва психологик экспериментларга асосланади.(11.40б) Хозирги кунда дифференциал психометрика усуллари таълим, тиббиёт, кадрлар танлови, касбий йўналтириш ва шахсий ривожланиш каби кўплаб соҳаларда самарали қўлланилмоқда. Бу методлар ҳар бир инсоннинг индивидуал психологик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш, унга мос равища да индивидуал ёндашувлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Менинг фикримча, бу фан нафақат назарий аҳамиятга эга, балки амалий нуқтаи назардан ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Айниқса, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ривожланаётган хозирги даврда психометрик усулларни автоматлашириш ва индивидуаллашириш тенденциялари бу соҳанинг келажагини белгилаб беради. Келгусида ушбу фаннинг илмий ва амалий имкониятларидан кенг фойдалangan ҳолда, шахс ривожига хизмат қиласиган янги методлар ва диагностик воситалар яратилишига ишонаман.

Экспериментал тадқиқот усуллари тадқиқот усуллари катта аҳамиятга эга.

Улар қуйидагиларни ўз ичиға олади:

Фактор таҳлил: кўп сонли тест натижаларидан умумий омиллар(факторлар) аниқлаш

Кластер таҳлили: шахсларнинг муаян психологик профиллари асосида гурухларга ажратиш

Кореляция таҳлил: психологик хусусиятлар ўртасидаги баглиқликни ўрганиш

Психометрик теслар: Иштрокчиларнинг мотивация ва ақлий қобилят даражалари ўлчанади

Дескриптив статистика: Болаларнинг ўртача қиймати стандарт огишлари хисоблаб чиқилади(4.56-626)

Дифференциал психометрикада экспериментал

Лаборатория эксперименти: Контрол қилинадиган мухитда шахсий фарқларни ўрганиш. Масалан, стресс ҳолатида реакция тезлигини текшириш.

Табиий эксперимент: Реал ҳаёт шароитида шахсларнинг табиий реакцияларини қузатиш. Масалан, мактабда ёки иш жойидаги фаолиятни таҳлил қилиш.

Қиёсий тадқиқотлар: Турли ёшдаги, жинсидаги ёки маданий мухитдаги шахсларни солиштириш орқали фарқларни аниқлаш.(11.)

Диагностик усуллар

Дифференциал психология — индивидуал ва гурӯҳлараро фарқларни тадқиқ қилиш соҳаси.

Релиабиллик (ишончлилик) — тест натижаларининг барқарорлиги ва такрорий ўлчовларда бир хил чикиши.

Валидлик (самарадорлик) — тестнинг ўлчаниши лозим бўлган хусусиятни аниқ ўлчай олиши даражаси.

Диагностик усуллар дифференциал тадқиқотларни амалга оширишда асосий ўрин тутади. Улар:

Классик тестлар: Ақлий қобилият тестлари (масалан, Векслер тестлари), шахс тестлари (масалан, MMPI).

Проектив методлар: Проектив тестлар шахсий хусусиятларни кашф қилишда ишлатилади (масалан, Роршах клякс тести).

Анкета ва сўровномалар: Инсоннинг қизиқишлиари, мотивациялари ва қиймат тизимларини ўрганиш учун.

Баҳолаш шкалалари: Муайян хусусиятларнинг даражасини баҳолайди, масалан, депрессия даражаси ёки стресс индекси.(3.80-976)


Дифференциал психометрикада замонавий тенденциялар

Компьютерлашган тестлаш: Электрон тестлар орқали тезкор ва кенг қамровли баҳолаш имконияти.

Иқтисодий психометрика: Вақт ва ресурс тежовчи қисқартирилган тестлар ишлаб чиқиши.

Машина ўрганиш ва сунъий интеллект асосида баҳолаш: Шахснинг психологик профилини автоматик равишда таҳлил қилиш имкониятлари.

Психометрик теслар: Талабаларни ақлий салохияти ва илмга бўлган мативациясини текшириш методи бўйича диаграмма



Бу диаграммада талабаларнинг ақлий интеллекут салохиятини текшириш илмга билимга бўлган мативациясини яънада ошириш, билим сифатини кучайтириш, мақсадида олиб бориладиган ОТМ лардаги оралиқ назорат тестларини мисол тариқасида олинган. Бу диаграммада Тошкент Амалий Фанлар Педагогика факулъети Психология йўналиши 1- курс талабалари иштирокида талабаларни фанга нисбатан ўзлаштириш даражасини кўриш мумкин

ХУЛОСА: Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, дифференциал психометрика соҳаси инсонлар ўртасидаги психологик фарқларни чуқур таҳлил қилишда нихоятда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, тестларнинг валидлиги ва ишончлилиги борасидаги тадбирлар ушбу соҳанинг асосий пойдевори ҳисобланади. Замонавий психометрик тадқиқотлар нафақат илмий жиҳатдан, балки ҳаётнинг кўплаб амалий соҳаларида – таълимда, тиббиётда, кадрлар танлаш жараёнларида ва шахсий ривожланишда ҳам кенг қўлланилаётгани бу фаннинг аҳамиятини янада оширади. Талаба сифатида шуни ҳис қилдимки, ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларини тушуниш ва унга мос равишда ёрдам кўрсатиш имконияти бу соҳанинг энг катта ютуғидир. Келажакда психометрик усулларни автоматлаштириш ва индивидуаллаштириш, суний интеллект орқали бу фан янада самарали ва ҳар томонлама фойдаланиш учун қулай бўлиши аниқ. Бу соҳада иш олиб борган буюк олимлар Анастаси Анн, Ли Кронбах, Реймонд Кэттелл, Ханс Айзенк каби илм аҳлидан илҳомланиб, келажакда ушбу йўналишда ўз ҳиссамни қўшишни орзу қиласман. Илм-фан тараққиёти учун доимий изланиш, таҳлил ва янги ечимлар излаш йўлида ҳаракат қилиш мақсади пайдо бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Umumiy psixodiagnostika Rasulov A.va boshqalar T. 2021
2. Anastasi, A., & Urbina, S. (1997). Psychological Testing. Prentice Hall.
3. Мухамедов, Н. (2020). Психометрик тадқиқотларда экспериментал усуллар. Тошкент: Илм-фан нашриёти.
4. Бекназарова, Ш. (2022). Психодиагностика: назарий ва амалий йўналишлар. Самарқанд: Таълим нашриёти.
5. Котлярский, М. М. (1991). Дифференциальная психология. Москва: Издательство Московского университета.
6. Голованова, Н. Ф. (2005). Психометрия: теория и практика тестирования. Москва: Академический проект.
7. Хмель, Н. Д. (2011). Основы психометрии: теория и практика измерения в психологии и образовании. Киев: Каравела.

- 8.** Котлярский, М. М. (1991). Дифференциальная психология. Москва: Издательство Московского университета.
- 9.** Cronbach, L. J. (1990). Essentials of Psychological Testing (5th ed.). HarperCollins.
- 10.** Kline, P. (2000). The Handbook of Psychological Testing (2nd ed.). Routledge.
- 11.** Муртазаева, Р.Р. (2020). Психометрик тадқиқотлар асослари. Тошкент: Илм-Фан нашриёти. — Б. 40.

Малумот учун күшимча

- 12.** <http://azps.ru/tests>
- 13.** <http://psiholognew.cjm.html>
- 14.** <http://www.psycological.ru>